

9-OKTABR — BUTUNJAHON POCHTA KUNI


## Хоразмда почта-телеграф

### Ривожланиш тарихига бир назар



Бугунги кунда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиалида 12та шаҳар ва туман почта алоқаси тармоғи, 145та почта алоқаси бўлими мавжуд бўлиб, улардаги 955 нафар ишчи-хизматчи вилоят аҳолисига ва корхона-ташкilotларга почта алоқаси ва кўшимча хизматларни кўрсатиб келмоқда.

9 октябр — Бутунжаҳон почта кuni муносабати билан юртимизда энг биринчилардан бўлиб йўлга қўйилган замонавий кўринишдаги почта-телеграф хизмати ривожланиш тарихи ҳақида ҳикоя қиламиз. Хоразмда ушбу хизматларнинг йўлга қўйилганига қарийб 140 йил тўлди.



5-бет

#### Сўнги янгилик!

Шотланд муҳандислари смартфон ва планшетлар учун радиосигналларни ўта юқори сифатли қабул қилувчи микроантенна ишлаб чиқишди.

Жажжи антеннанинг ўзига хослиги интеллектуал салоҳиятида: у бошқариладиган нурга эга бўлиб, барча йўналишдаги мавжуд радиосигналларнинг энг кучлисига мувофиқлаша олади. Бу эса, лойиҳа муаллифларининг айтишича, нафақат қурилманинг сигнал қабул қилишини яхшилайдди, шунингдек, унинг энергия сарфини ҳам камайтиради.

Антенна яратиш устидаги ишлар етти йил давомида Эдинбург университетида давом этди ва бунинг учун махсус Sofant компанияси ҳам таъсис этилди.



Алоқа оламида

#### Ушбу сонда:

■ "Ўзбекистон матбуоти" миллий кўргазмаси ва форуми	2
■ ФТТВ технологиясига уланиш бўйича промоакция	3
■ Компакт-дискларга 30 йил тўлди	4
■ Почта стала неотъемлемой частью цифрового мира	6
■ Бахт-саодат кошонаси	11
■ Ахборот технологиялари ёшлар хизматида	13

Теледастурлар, спорт, сканворд

## Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан, расмий ташриф билан Боку шахрига келди. Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истикболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашилди. Музокаралар якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Шу йил 9 октябр куни халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Мажлисда шунингдек, ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тавсиясига кўра, 2012 йилнинг январ ойидан буюн Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Пўлат Раззақович Бобононов вилоят ҳокими этиб сайланди.

Тошкентда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари ўртасида савдо-иқтисодий, сармоёвий ва техникавий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бағишланган семинар ўтказилди. Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси, Корея Республикасининг Улсан шаҳри Технопарки ҳамда Улжин уезді ўртасида техникавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

"Соғлом авлод учун" халқаро жамғармасининг "Саломатлик поезди" Қорақалпоғистон Республикасида ўз фаолиятини бошлади. "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу муруват тадбири доирасида Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолининг кам таъминланган қатлами, аёллар ва болаларни малакали тиббий текширувдан ўтказиш белгиланган.

Наманган вилояти тиббий диагностика марказида Ҳиндистоннинг "Артемис хэлс" тиббиёт институти вакиллари иштирокида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзаро тажриба алмашиш учун юртимизга ташриф буюрган бир гуруҳ Ҳиндистонлик шифокорлар Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали, вилоятдаги кардиология ва ортопедия марказлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Пойтахтимизда "Art Week Style.uz-2012" санъат ҳафталиги доирасидаги маданий-маърифий тадбирлар якунланди. Хусусан, кеча Ўзбекистон Бадний академиясининг Марказий кўргазмалар залида VI Тошкент халқаро фотобиеннаlesi ролибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Мазкур тадбирда юртимиздаги маҳоратли фотосанъат усталари, ёш ижодкорлар, шунингдек, Бангладеш, Германия, Жанубий Корея, Франция, Испания, Италия, Япония, Хитой, Украина каби жаҳоннинг 35 мамлакатидан санъаткорлар катнашди.



## "Ўзбекистон матбуоти" миллий кўргазмаси ва форуми

Шу йилнинг 10 октябр куни "Ўзэкспомарказ" ОАЖнинг 1-павилонида "Ўзбекистон матбуоти" II миллий кўргазмаси ва 14-"O'ZBEKINPRINT", "O'ZUPACK" ва "O'ZREKLAMA" халқаро кўргазмалари очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ахборот технологиялари ассоциацияси томонидан ташкил этилди.

"Ўзбекистон матбуоти" II миллий кўргазмаси Президентимизнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган мамлакатимизда демократик инфохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ ахборот соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мазмун-моҳияти билан кенгрок таништириш ҳамда медиамақонда миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди. Кўргазманинг очилиш маросимида истиқлол йилларида юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларни янада либераллаштиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу, ўз навбатида, жамиятда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини янада кенгрок рўёбга чиқариш,



аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимизда бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий-ташқилий пойдевор яратилган. Жумладан, масс-медиа тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, инновациялар, демократик бозор механизмлари кенг жорий этилди, бу борада бир қатор имтиёзлар ва қулайликлар яратиб берилди. Натигада кейинги ўн йилнинг ўзида босма ОАВнинг сони икки баробар кўпайди. Бугунги кунда республикада 700дан ортик газета, 263та журнал, тўртта ахборот агентлиги фаолият юритмоқда.

Ушбу маросимда марказий ва худудий нашрлар раҳбарлари, матбаа корхоналари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, жамоат ташкилотлари, республикада аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган босма ОАВ, ахборот агентликлари, нашриётлар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашишмоқда. Эътиборлиси, ўн тўртинчи бор ўтказилаётган "O'ZBEKINPRINT", "O'ZUPACK" ва "O'ZREKLAMA"

халқаро кўргазмаларининг нуфузи йилдан-йилга ортик бормоқда. Унда республикамизнинг бодан ортик етакчи матбаа корхоналари, нашриёт ташкилотлари катори Германия, Жанубий Корея каби бир қатор хоржий давлатлар компаниялари вакиллари ҳам қатнашаётгани бунинг ёркин мисолидир.


Кўргазманинг биринчи кунда "Ўзбекистон матбуоти" II миллий форуми ҳам ўтказилди. Форумда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш йўллари, ОАВнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда ОАВ ролини ошириш, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро алоқалари механизмларини такомиллаштириш ҳамда мамлакатда мустақил ОАВларни ривожлантириш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди. Тадбирда иштирок этган қонун ижодкорлари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кафолатлари тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши жараёни хақида гапириб беришди.

Мазкур тадбирлар доирасида "Йилнинг энг яхши китоби" кўрик-танлови ролиблари ҳам тақдирланишди.

Ушбу анжуманларнинг муҳим вазифаларидан бири Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча медиа ташкилотлари саёй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали миллий ахборот маконини жадал ривожлантириш, фуқаролик жамияти ривожига қўмаклашишдан иборат.



Тошкентда архив муассасалари ва ташкилотларида ахборот ресурсларини жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ва улардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Полша, Беларус, Литва, Украина, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Россия каби мамлакатлардан соҳа мутахассислари, эксперт ва олимлар иштирок этди.



## Архив иши такомиллаштирилмоқда

Халқаро анжуман очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги бош директори А.Абдуллаев ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизнинг тарихий, илмий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид муҳим аҳамиятга эга архив ҳужжатларини сақлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан фойдаланишни ташкил этишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Кейинги йилларда мамлакатимизда архив ишини такомиллаштириш, архивларини техник модернизациялаш, соҳага илғор технологияларни жалб этиш, мазкур йўналишда ходимлар билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада архив ҳужжатларининг библиографик ахборот базасини яратиш ҳамда қимматбаҳо ва ноёб материалларни рақамли форматга ўтказиш каби энг илғор усуллардан фойдаланилмоқда. Хусусан, республикамиз марказий давлат архивларида ҳам қимматбаҳо ва ноёб архив ҳужжатларини сақлаш ва уларни рақамли форматга ўтказиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Тарихий ҳужжатлардан фойдаланишни энгиллаштириш мақсадида марказий архивларда электрон кутубхоналар ташкил этилмоқда. Бу борада 2010 йил 15 июнда қабул қилинган "Архив иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни архивлар учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги мазкур йўналишда фаолият юритувчи асосий муассасалардандир. Агентлик архив иши ва иш юритиш соҳасидаги ягона давлат сибсатини амалга ошириш, давлат архивларини бошқариш, соҳага оид қонун ҳужжатларининг амалда бажарилиши ва уларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, архив идораларининг намунали фаолият кўрсатишини таъминловчи давлат бошқарув органидир. Агентлик давлат идоралари, ҳокимликлар билан кенг ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, жойлардаги давлат архивларининг иш шароитини яхшилаш бўйича қўлаб саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Халқаро архивлар кенгаши дунё мамлакатлари архивларини қўллаб-қувватлаш, архив меросини сақлаш, ривожлантириш ва фойдаланишга қўмаклашиш билан шуғулланадиган нуфузли ташкилотдир. Мазкур халқаро муассаса, архивлар ривожига қўмаклашиш орқали, халқаро аҳамиятга молик қимматли маълумотларни сақлаш йўлида самарали хизмат қилмоқда. Халқаро архивлар кенгашининг дунё бўйича ўн уч минтақавий бўлими мавжуд.


— Юксак савияда ташкил этилган мазкур халқаро анжуман жаҳонда архив соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, рўй бераётган ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар юзасидан ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш имконини берди, — дейди Беларус Республикаси Адлия вазирлиги архив ва иш юритиш департаменти директори Владимир Адамушко. — Ўзбекистон ушбу соҳада катта муваффақиятларга эришмоқда. Айниқса, илмий маълумот аппарати барқарор ривожлантиришни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётгани эътиборга молик. Шунингдек, архив соҳасини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш борасидаги изчил ислохотлар таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда қўллаб мамлакатларнинг архив тизимида замонавий технологияларни жалб этган ҳолда фойдаланувчиларга қулай имкониятлар яратилмоқда. Бу соҳада интерфаол хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Эндиликда фуқаролар ўзини қизиқтирган масала юзасидан архивга келиб юрмасдан, уйдан ёки иш жойидан турли архив агентликлари веб-сайтида кўрсатилган электрон манзил бўйича мурожаат этиши мумкин. Хизматнинг бундай тури архивдан фойдаланувчи учун жуда қулай, исталган маълумотга тез ва осон эга бўлиш мумкин.

— Мамлакатимизда архив тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи Гулнора Бекмухамедова. — Худудлардаги давлат архив идоралари компютерлаштирилиб, улар ўртасида электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилган, архивларда сақланаётган ҳужжатларга оид маълумотларнинг электрон базалари яратилмоқда. Натijaда архив ҳужжатларига қизиқиш ва улардан фойдаланувчилар сони йил сайин ошиб бормоқда. Бу борада хорижлик ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Анжуманда МДХ ва Евроосиё минтақасида архив ишининг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Архив ишини ривожлантириш, марказий архивлар жамғармалари каталогларини замонавийлаштириш, архив иши ва ҳужжат таъминоти соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, минтақадаги миллий архивлар хизматлари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, шунингдек, архив ҳужжатларини сақлаш борасида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

## FTTB технологиясига уланиш бўйича промоакция



Яқинда "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали ходимлари томонидан Юнусобод туманида жойлашган 13та уйда оптик толали кабел (FTTB)га эркин уланиш ускунаси ўрнатилганди. Ушбу тумanning 14-даҳаси аҳолисида мазкур хизматга қизиқишини ошириш мақсадида промоакция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги 2012 йил 21 мартдаги қарорига мувофиқ, "ТШТТ" филиали 483та уйни FTTB технологияси бўйича абонентларни улашга тайёрланди.

Хозирги вақтда Тошкент шаҳрининг барча боғламаларида "ҳар бир уйга оптик тола" хизмати жорий этилган. Мазкур лойиҳани компания 2010 йилдан бошлаб амалга ошириб келади. Ўтган давр мобайнида 1475 километрик оптик толали алоқа линиялари Тошкент шаҳридаги 1375та тураржой уйларига уланди.

Бу йил яна 1709та объектга оптик толали алоқа линияси ётқизилди, 2015 йил охирига қадар мазкур технология билан бутун шаҳар камраб олинishi режалаштирилган.



Компания ходимлари акцияни ўтказиш даврида оптик толали алоқа линияси ётқизилган Юнусобод тумани 14-даҳасида жойлашган 13та уйдаги барча хонадонларда бўлдилар.

Улар аҳолини 6 октябр кuni 250-умумтаълим мактабида ўтказиладиган тадбирда иштирок этиш учун таклиф этдилар. Тадбирда UZONLINEга бепул уланиш ва "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиалидан кичик совға олиш имконияти берилди.

Саҳнада танловлар ўтказилди, катта экранда эса компаниянинг янги хизмат турлари ҳақидаги видеороликлар намойиш қилинди. Мактабга киришда абонентларни улаш учун уч операторли мобил маркази ташкил этилди. "ТШТТ" филиали маркетинг бўлими болалар ва катталар учун кичик викторина ҳамда танловлар ўтказди.

Тадбирда "Ўзбектелеком" АК вакиллари сўзга чиқиб, компания фаолияти, FTTB технологияси, мазкур технологиянинг ADSL технологиясидан қандай устунликлари мавжудлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар. Барча хоҳловчиларга UZONLINE RECORD серияси тариф режаларига уланиш тартиби ҳақидаги маълумотларни берувчи буклетлар тарқатилди.

250-умумтаълим мактаби олдида қўчма офис ўрнатилиб, хоҳловчилар бевосита промоакция даврида, компания офисларида эмас, балки шу жойнинг ўзидаёқ уланиш имкониятига эга бўлдилар.

Промоакция аҳолининг "ҳар бир уйга оптик тола" янги технологиясига қизиқиши катта эканлигини кўрсатди.

## Йиғилиш

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг бошқарув аппарати ҳамда "Матбуот" дўкони сотувчилари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Тадбирни компания бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Кубеев олиб борди. Йиғилишда бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, "Матбуот" дўконларида сотиладиган вақтли матбуот нашрлари ассортименти, киоскларни безаш ва нашрларга мониторинг ўтказиш, савдо қилиш жараёнида амалдаги қонунчиликка риоя қилиш масалалари муҳокама этилди.

## Xalqaro haqot



**ЧЕХИЯ**нинг Табор шаҳрида ширинлик ва шоколадлар музейи очилди. Шаҳар марказида жойлашган ушбу музейнинг майдони минг квадрат метрни ташкил қилади. У ерда нафақат ширинликларни томоша қилиш, балки татиб кўриш имконияти ҳам мавжуд. Музей ходимлари ташриф буюрувчиларга шоколад тарихи, унинг турлари ва тайёрланиш усуллари ҳақида сўзлаб берадилар.

**БАНГКОК**да тинмай ёғаётган ёмғир оқибатида сўнгги эллик йил ичидаги энг кучли сув тошқини юзага келди. Синоптикларнинг фикрича, мамлакатдаги ёғингарчилик миқдори хавфли кўрсаткичга етган. Шаҳарнинг кўплаб туманлари сув остида қолган. Йўлларда автомобиллар ҳаракати тўхтатилган, маҳаллий аҳолини хавфсиз ерларга кўчириш ишлари давом етмоқда.

"APPLE" компанияси янги турдаги "iPad-mini" планшетларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур планшет "Retina" ҳажмидаги экран билан қопланади. Бу эса тасвирни 3,1 миллион пикселда кўриш имкониятини беради. Октябр ойининг ўрталарида сотувга чиқарилиши режалаштирилган бундай планшетлар 200 АҚШ долларига баҳоланмоқда.

**ЯПОНИЯ** худудида илк марта нефт кони топилди. "Japan Petroleum Exploration" компанияси лойиҳасига кўра кидирув ишлари олиб борилган ушбу кон мамлакатнинг Акита префектурасида топилган. Компания вакилларининг айтишича, мазкур коннинг нефт захираси тахминан беш миллион баррелга тенг.

**ГВАТЕМАЛА**даги Фуэго вулкониининг фаолиги кескин ошган, — дея хабар беради RATA-TASS. Вулкон кратериди содир бўлган кучли портлашлар оқибатида ҳавога захарли газ тарқалган. Шу боис мазкур худудда жойлашган ўнга яқин қишлоқдаги минглаб аҳоли хавфсиз ерларга кўчирилмоқда. Табиий офат талафотлари билан курашиш бўйича миллий кенгаш вулкон атрофида хавф энг юқори даражада етганини маълум қилди. Фуэго вулконида отилган кул жуда катта майдонни эгаллаган. Гватемала ҳукумати ушбу худуд яқинидаги учб ўтувчи самолётларга эҳтиёт чораларини кўриш тўғрисида кўрсатма берган.

"NOKIA" корпорацияси харажатларини камайтириш мақсадида Финляндиянинг Эспоо шаҳридаги бош қароргоҳини сотишга қарор қилди. Хабарларга қараганда, компания шиша ва пўлатдан қурилган мазкур бинони сотиш орқали уч юз миллион евро миқдорида фойда кўради. Бундан буён компания ўз фаолиятини ижарага олинандиган бинода давом эттириш, ходимлар сонини қисқартириш ниятида.

**ИТАЛИЯ**да велосипед савдоси ҳажми тобора ошиб бормоқда, деб хабар беради RATA-TASS. Мамлакатда ўтган йили 1 миллион 750 минг дона велосипед сотилган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида ушбу кўрсаткич икки миллиондан ошди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бунга мамлакатда ҳамон давом этаётган молиявий-иктисодий инқироз ҳамда ёнлиқ нархнинг ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда.

## Компакт-дискларга 30 йил тўлди



Шу ойнинг бошида компакт-диск (CD)лар пайдо бўлганига роппа-роса 30 йил тўлди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, маълумот сақловчи база сифатида CD Голландиянинг Philips компанияси томонидан 1979 йилда тақлиф этилган бўлса ҳам, жаҳондаги биринчи CDлар айнан Япония бозорида 1982 йилнинг 1 октябрида пештахталарга қўйилганди.

Бу Билли Жоэлнинг "52nd Street" деб номланган музикий албому эди. CD билан бир пайтда Sony дунёдаги биринчи CD-плеер — CDP-101ни сотувга чиқарди. Унинг нархи 1000 доллардан юқори эди.

Хуллас, CD Sony ва Philips компаниялари ҳамкорлиги махсули бўлиб, 1982 йилнинг августида ўтказилган матбуот анжуманида тижорий музикий формат сифатида тақдим этилди.

Япониядан сўнг, орадан уч hafta ўтиб, Европада биринчи CDлар пайдо бўлди (ABBA гуруҳининг "The Visitors" музикий албому). Philips компанияси маълумот беришича, ўтган 30 йил мобайнида сайёрамаиз бўйлаб тахминан 400 млрд. атрофида CD-диск сотилган.

CD-дискларнинг оммалашшида Microsoft ҳамда Apple Computer компанияларининг хиссаси катта бўлган. Жумладан, Apple Computer раҳбари Жон Скалли 1987 йилдаёқ компакт-дисклар шахсий компютерлар оламида инқилоб ясагини башорат қилганди ва вақт ўтиши билан бу гаплар исботини топганига барчамиз гувоҳимиз.

## AT-хабарлар



Facebookнинг ойлик фойдаланувчилари сони 1 миллиарддан ошди, — деди ижтимоий тармок асосчиси Марк Цукерберг америка телеканалларидан бирига берган интервьюсида. Унинг сўзларига қараганда, миллиард фойдаланувчи Facebook асос солинганидан бери 1,13 триллионга "лайк" қолдиришган, 219 миллиард дона сурат юклашган, ўзларининг қаерда эканликларини 17 миллиард мартадан кўп маълум қилишган.



"Телеком-операторлар сарфлаётган хар бешинчи доллар бесамар кетмоқда". Бу — яқинда шу борада тадқиқот ўтказган PwC компаниясининг хулосаси. Янада аниқроғи, хар йили жаҳон бўйича телеком-операторлар сарфлаётган 20 фоиз инвестиция ёки тахминан 65 млрд. доллар самарасиз лойиҳаларга беҳудага сарфланапти.

Тадқиқот доирасида жаҳоннинг 78та энг йирик симли, мобил ва кабел алоқаси операторлари молиявий кўрсаткичлари бирма-бир кўриб чиқилди.



Бир тўда хакерлар 100дан зиёд америка университетлари серверларини ишдан чиқаришди. Team GhostShell номи остида никобланган хакерлардан зиён кўрганлар орасида Гарвард, Стенфорд каби номдор университетлар, Пенсильвания ва Мичигандаги йирик олий ўқув юртлири бўлиб, кибержиноятчилар уларнинг серверларидаги 120 мингдан ортиқ маълумотларни қўлга киритишганини маълум қилишган. Киберхужум амалга ошганини университетлар расмийлари ҳам тасдиқлашди.




Компютерлар ишлаб чиқарувчи Foxconn Technology Group компанияси (Хитой) энди куёш энергияси соҳасида ҳам фаолият кўрсатмоқчи. Хусусан, унинг биринчи куёш станцияси GCL-Poly Energy Holding билан ҳамкорликда Шанси провинциясида ишга туширилади. Электрстанция қуввати 310 мегаваттга тенг бўлиши кутилмоқда.

## Ҳолвани ҳоким, калтакни...

Японияда бундан буён интернетдан муаллифлиги бузилган файлларни кўчириб олувчилар, янги қонунга мувофиқ, икки йилгача озодликдан маҳрум этиладилар ёки икки миллион иенагача (25700 доллар) жаримага тортиладилар.

Албатта, қонунни ҳамма ҳам бирдай қўллаётгани йўқ. Баъзи танқидчилар бу фақат оддий фойдаланувчиларни мушкул ахволга қўйишию, муаллифлик ҳуқуқини бузаётганлар хар сафаргидек суддан курук чиқиб кетишидан ташвишдалар. Сисётчилар эса онлайн қароқчилар учун жазонинг янада оғирроғини тақлиф этишмоқда — 10 йилгача қамоқ жазоси ва 10 миллион иенагача жарима.

Шу ўринда эслатма: расмий манбаларда кўрсатилишича, Япония музикали контент ишлаб чиқаришда жаҳонда фақатгина АҚШдан кейинда тураркан.



Олимлар магнит-резонанс томография суратларини рангли усулда олишнинг йўлини топишди. Америка Миллий стандартлар ва технологиялар университети тадқиқотчиларининг фикрича, бу янги тизим тиббиётга оид суратларнинг ахбороттирлигини янада оширади. Эслатиб ўтамиз, магнит-резонанс томографияда магнит майдонлари ва радиотўқинлар ёрдамида инсон аъзолари ва ички тузлиши аксини топган суратлар олинади.



Жаҳондаги йирик интернет-ритейлер — Amazon.com Сиятл шаҳридаги офис бинолари мажмуасини 1,16 млрд. долларга сотиб олди. Бу Америка тижорий кўчмас мулк бозорида амалга ошган сўнгги йилдаги энг йирик хариддир. Умумий майдони 167000 квадрат метрга тенг кампус эса эндиликда Amazon компаниясининг янги штаб-квартирасига айланади.

Шу пайтгача компания Vulcan Inc.га қарашли офис марказида ижарада фаолият кўрсатиб келаётганди.



Нью-Йорк штати политехника институтида ўзида электр энергиясини тўпловчи қороз иختиро қилинди. Тўғри, у оддий қороз эмас, нанокөмпозит материалдан ясалган. Унинг деярли тўқсон фоизи оддий қороз каби целлюлозадан ташкил топган. Целлюлоза орасидан эса электрони ўтказувчи электрод вазифини ўтовчи углерод нанотрубкалар ўтказилган.

Роберт Линхардт бошчилигидаги мазкур лойиҳа иштирокчилари "электр қороз"лар келгусида кичик электр қурилмалари, масалан, мобил телефонлардан тортиб, аватомобил ва самолётларнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қоплашда ишлатилишига умид қилишмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Тарихи...

Хивада биринчи замонавий кўринишдаги почта алоқаси хизмати Муҳаммад Раҳимхон II даврида, яъни 1873 йилда барпо этилган. 1913 йилга келиб, Янги Урганчда тўртта почта корхонаси ташкил қилинган.

1920-1925 йилларда Хоразмда почта ташишини янги воситалари жорий этилди. Масалан, Чоржўй — Янги Урганч шаҳарлари ўртасида Амударё орқали кемаларда почтани ташиш қайта ташкил қилинди.

Муҳаммад Раҳимхон II янги алоқа воситасига эга бўлиш иштиёқи билан 1895 йили Хивада биринчи телефон станциясини ишга туширди. Бу 20 рақамга мўлжалланган "Эриксон МБ" станцияси эди.

1910 йили Хива хони Саид Исфандиёр Баҳодирнинг вазири Исломуҳжа таклифи билан Хивада почта-телеграф бўлимининг янги услубдаги биносини куриш ишлари бошлаб юборилди. Бино лойиҳасини чиқишни Исломуҳжа москвалик архитектор Ропга топширади. 1912 йили ўша даврнинг энг гузал архитектура ечимига эга бу иншоот Дашан Қалъанинг ташқарисиди, шаҳарга шимол томондан кираверишдаги асосий йўл ёқасида 1912 йили қад ростлайди. 1982 йилда алоқа тармоғи учун янги бино қурилгач, Алоқа вазирлигининг 1983 йил 22 июндаги 139-буйруғига асосан эски бинода Республика алоқа музейи ташкил қилинган. Ҳозирги кунда Хива Алоқа музейи сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Почта биноси тўғри бурчакли, бир қаватли қилиб қурилган. Олд томони йўлга қараган бўлиб, иккита бир-бирга ўхшаш кириш эшиги бор. Биринчи эшикдан почта бўлимига, иккинчи эшикдан телеграф бўлимига кирилган. Бино ишга тушгандан кейин почта-телеграф хизмати аста-секин ривожланиб, дастлаб бир симли алоқа линияси қурилди. Бу линия Хива, Урганч, Хонка, Хазорасп ва Янгирек туманларини бирлаштирар эди. Шу пайтгача бир симли линия Чоржўйдан Янги Урганчгача Туямўйин орқали ўтган эди. 1913 йилда Хива почта-телеграф идорасига биринчи бўлиб "Морзе" телеграф аппарати ўрнатилди. Алоқа корхоналари камлиги боис даромад ва иш ҳажми сезиларли эмасди. Хоразмда бир одамга йил бўйи 0,025та хат тўғри келарди. Кейинчалик Янги Урганч, Дарғонота, Хазорасп, Тошхуву ва Хўжайлида ҳам почта корхоналари барпо этилди.

1917 йилга қадар Хоразм ҳудудидида 100га яқин телефон аппаратлари ўрнатилган. Бу аппаратлардан фақат хон амалдорлари, савдогарлар ва маҳаллий бойлар фойдаланар, маҳаллий аҳоли эса бундай имкониятдан маҳрум эди. 1917 йилгача Хоразмда шаҳарлараро телефон нуқтаси ва радио алоқаси мавжуд эмасди. 1920 йилда Хива ва Урганчда 60 рақамга мўлжалланган янги станция қурилди ва бир қанча туманларда почта бўлимлари очилди. Бу бўлимларга "Морзе" ва "Клофер" телеграф аппаратлари қўйилди (ҳозирги кунда улар Хива Алоқа музейида сақланмоқда). Урганчдаги почта биноси Почта-телеграф идораси деб юритила бошланди.

"Учар почта"

1921 йил 24 апрелда Хивадан Чоржўйгача телеграф линияси куриш учун 7 миллион сўм ажратишга қарор қилинди. 1922 йил 16 декабрда эса Хоразм Республикаси Марказий кўмитаси ҳайъати раиси Абдулла Хўжаев Хива шаҳрида аэродром ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга асосан аэропланлар кўнадиган жой қалъанинг Хазорасп йўли дарвозаси олтидан белгиланди. Қўналға учун ажратилган жой экин майдони бўлгани сабаб дехқонлар учун Хива атрофидан ер бериш кўрсатилганди. Дехқоннинг 1 таноб ери ўрнига давлат жамгармасидан қўчат экилган 1,5 таноб қулай ер ва 2 таноб қўчатсиз экин майдони бериш белгиланди. Агар ери насликда жойлашган бўлса, 3 танобдан ажратиш кўрсатилди.

1923 йилдан маҳаллий "учар почта" Хоразм Республикаси ичиди фуқаролар ўртасидаги алоқа учун хизмат қилишни — Дарғонота, Хазорасп, Хива, Тошхуву, Хўжайли, Кўнғирот йўналишлари бўйича хабарлар юборишни бошлади. Ўша даврда почта-телеграф бўлими почтани юбориш ишлари билан шугулланадиган хусусий бажарувчилар билан шартнома тузди. Хоразм Республикасининг бошқа давлатлар билан алоқа воситаси почта ва телеграф хисобланарди. Холбуки, телеграф Туркистон Почта ва телеграф назорати тасарруфига ўтиб бўлганди. Шунингдек, харбий назорат ихтиёрида радио-телеграф мавжуд эди. Шу даврда ҳаво флоты пайдо бўлиши кутилаётган ва Хоразм Республикаси уни

рий нашрларни етказиб беришда бир-бири билан ўзаро узлуксиз боғланган почта алоқаси объектлари ва почта жўнатмаларини ўз ичига олади. Почта алоқасининг миллий тизими "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти томонидан географик принципга асосланган ҳолда ташкил қилинган.

Айни пайтда почта ташиш учун 13та автотранспорт воситаси, почта тарқатувчиларга 284та велосипед, почта ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида почта кузатувчиларга 15та уяли телефон ва 117та компютер (бутунги кунда фидвал бўйича 156та компютер мавжуд) харид қилинди, иккита телефакс аппарати аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

# Хоразмда почта-телеграф

Ривожланиш тарихига бир назар



Хива Алоқа музейи биноси

барпо этишга 25 минг сўмлик олтин билан улуш қўшганди. Радио ва ҳаво флоты маркага бўйсунгани учун республика ҳўжалик режасига киритилмади, фақат 15 минг сўмлик аэродром куриш бундан мустасно эди.

Хоразм Республикасининг йирик савдо-саноат маркази бўлган Янги Урганчда почта-телеграф бўлими очилди ҳамда Хива — Тўрткўл — Чоржўй почта линиясини қайта тиклаш белгиланди. Хива — Янги Урганч, Хива — Тошхуву, Хива — Хонка — Дарғонота ва Тўрткўл ички телефон алоқаси линиялари ўрнатилган эди. 1923 йилда Хиванинг ўзидида 27та телефон аппарати бўлиб, марказдан қўшимча янгиларини сотиб олиш мўлжалланганди.

Алоқанинг аҳамияти катталлигига қарамасдан, у ҳамон Ички ишлар назорати бўлимидаги халқ алоқа бўлими эди. Келажакда алоқанинг иш ҳажми айлангиришни эътиборга олиниб, 1923 йил 19 ноябрда Хоразм Республикаси Ички ишлар назорати уни алоҳида халқ алоқа бўлимига айлантиришга қарор қилди. Хўжайли ва Кўкча, Урганч, Хўжайли ва Бола-Порсу, Кўкчага, Илоли ва Тошхуву, Хива ва Хазорасп орасида телефон алоқа линияси ташкил этиш мақсадида Россиядан зарур воситалар келтириш белгиланди. Шунингдек, тез ва ишончли алоқа ўрнатиш чоратдбирлари ишлаб чиқилди. Вилыотлараро от билан қатналадиган маҳаллий почта ташкил қилиниб, унинг харажатлари давлат муссасалари ва ходимлари зиммасига юклатилди...

Бугуни...

Почта алоқаси почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ҳамда почта жўнатмалари, пенсия ва нафақалар, дав-

Филиал ва унга қарашли почта алоқаси тармоқлари ва шохобчаларини замонавийлаштириш бўйича жамият томонидан ишлаб чиқилган дастурга таянган ҳолда филиалда амалий ишлар олиб боришмоқда.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали ва унга қарашли ПАТларда ишлаб турган 955 нафар ишчи-хизматчининг 110 нафари олий маълумотли, 276 нафари ўрта махсус, 569 нафари ўрта маълумотга эга (қасаначилар 20тани ташкил қилади).

Белгиланган чора-тадбирларга асосан филиал 2008 йил 1 январгача барча туман почта алоқаси тармоқларида янги хизмат, яъни электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) тизимини ишга туширди ва масъул ходимлар жамиятда ташкил қилинган ўқув марказларида малака ошириб кайтилар. Бугунги кунда барча ЭПЎ ва ППЎлар "East Telecom" тизимида уланди.

Урганч шаҳрида гибрид почта хизмати ташкил этиш учун почта оператори ўқитилди ва иккита компютер ўрнатилган алоҳида хона билан таъминланди. Вилыотда почта алоқаси соҳасининг янги хизмат тури — курерлик хизмати жорий қилиниб, корхона-ташкилотларга хизмат кўрсатмоқда.

Филиалнинг Урганч шаҳар Марказий залида ва унга қарашли 10-почта алоқаси бўлимида, Янгитобозор ҳамда Гурлан, Хива ва Кўшкўпир ПАТларида жами бта интернет-кафе аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Хонка туманида ҳам интернет-кафе очилди учун барча шaroитлар яратилиб, лицензия хужжатлари тайёрланган. Интернет-кафеларда 2011 йил апрел ойидан бошлаб PAYNET тизими иш бошлади.

Филиалда барча алоқа бўлимлари телефонлаштирилган. 2008 йил декабр ойидан бошлаб аҳолига кулайликлар яратилди ҳамда янги хизмат турларини қўлайтириш мақсадида "Ўзбектелеком" АКнинг "ЎзМо-

байл" филиали билан ўзаро ҳамкорликда шартнома тузилиб, қишлоқ жойларидаги 15та почта алоқаси бўлимига мазкур филиал телефон аппаратлари ўрнатилди ва фаолият юрита бошлади.

Филиалнинг Урганч шаҳар Марказий бўлими ва бта почта алоқаси тармоғида ОАТ

"Алоқабанк" Хоразм бўлими билан ҳамкорликда пластик терминаллар ўрнатилди, қолган барча почта алоқаси тармоқларида ўзларининг ҳисобрақамлари мавжуд банкарлар орқали терминаллар ижарага олиниб фойдаланилапти. Вилыотда 443 нафар почта тарқатувчи ишлайди, уларнинг барчаси химоя жилетлари ва хавфсизлик сигнализаторлари билан таъминланган. Жамият томонидан 2005-2006 ва 2007 йиллар мобайнида 15бта электрон тарозии олиди ва барча почта алоқаси тармоқлари ҳамда алоқа бўлимлари таъминланди.

2009 йилнинг биринчи чорағида ЎзАААнинг 2006 йил 4 майдаги 133-буйруғининг 6.1-бандига мувофиқ, жамият томонидан филиал ва унга қарашли почта алоқаси тармоқларида локал компютер тармоғини яратиш мақсадида филиалга қарашли 11та туман почта алоқаси тармоғи билан электрон алоқа ўрнатиш учун 11та сервер винчестри ҳамда "Туловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизими"га боғланадиган иш ўринларини ташкил қилиш учун 12та компютер ишга туширилди.

Янгитобозор ПАТда 2009 йилда "Кўчма алоқа бўлими" ташкил қилиниб, замонавий жиҳозланган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси билан таъминланди.

Шуниингдек, 2006 йил 1 апрелдан бошлаб барча почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимларига марказлашган тартибда янги почта индекслари тартиби жорий қилинди ва пешлавахалар тайёрланиб ўрнатилди. 2008 йил 1 майдан халқаро буюртмали ҳамда қиймати эълон қилинган хат-хабарларни ҳамда жўнатмаларни ягона белги — штрих-код билан идентификациялаш ишлари олиб боришмоқда.

2008 йилда бош ғазна ва катта почта алоқаси бўлимларида ишлатиш учун 24та нақд пул санаш аппарати жамият томонидан марказлашган тартибда ажратилди.

Почта алоқаси тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2006 йилда "Бухоро бизнес инкубатори" ўқув марказида 49та почта алоқаси бўлими бошликлари малака оширишди. Филиалда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш дастурига асосан ТАТУ Хоразм филиалида беш нафар ёш талаба ҳамда Урганч алоқа коллежиди ишлаб турган 26 нафар ишчи-хизматчи сиртки бўлимида филиал томонидан тўланган тўлов-шартнома асосида ўқидилар.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан филиал ва унга қарашли почта алоқаси тармоқларида ишлаб турган ёшларнинг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида филиалда дастур ишлаб чиқилди ва у ҳаётга татбиқ этилиб, белгиланган барча кўрсаткичлар бажарилмоқда.

С.АТНИЯЗОВ,  
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ  
Хоразм филиали бош мутахассиси,  
архивхунос



## Почта стала

неотъемлемой частью  
цифрового мира

9 октября — Всемирный день почты. В послании по этому поводу Генеральный директор Всемирного почтового союза Эдуард Дайан заявил, что в эпоху новых информационных и коммуникационных технологий, мобильных телефонов и интернета почта стала неотъемлемой частью цифрового мира.

"Традиционные услуги по доставке письменной корреспонденции по-прежнему составляют самую значительную долю в структуре почтовых доходов, но в условиях глобализации почтового обмена у почтовой службы возникают и другие возможности — электронная коммерция. Отраслевые аналитики предсказывают, что в 2013 году объем электронных продаж превысит триллион евро", — отмечается в послании.

Ежедневно свыше 600 тысяч почтовых отделений обслуживают миллиарды человек, обрабатывают около 400 миллиардов писем и 6 миллиардов посылок и бандеролей в год. Почтовые отделения предлагают множество электронных, финансовых и логистических услуг.

Эдуард Дайан сказал, что почта является движущей силой экономического роста. Почтовая сеть будет продолжать разработку эффективных и доступных услуг почтовой связи и использовать новые технологии для диверсификации и повышения качества своих услуг.

## Маркетинг, Реклама и PR

Первый Ташкентский международный форум "Маркетинг, Реклама и PR" пройдет в Ташкенте 5-6 ноября текущего года.

Организатором форума выступает "Информационно-рейтинговое агентство SAIPRO" при официальной поддержке Комитета по вопросам информации и коммуникационных технологий Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Национальной ассоциации электронных средств массовой информации Республики Узбекистан.

Генеральный партнер мероприятия — торговая марка Ucell, в числе спонсоров: ООО "Roison Electronics", СК "Kapital Sugurta", ДП "McCann-Erickson Uzbekistan LTD", Представительство "ZTE Corporation", СК "Аско-Восток", СП ООО "Alubond Composite Material".

Основная цель форума — создание единой площадки для обсуждения актуальных вопросов по внедрению новейших технологий, способствующих продвижению товаров, услуг и брендов, а также содействие обмену опытом и установлению взаимовыгодных контактов между различными участниками рынка масс-медиа, маркетинга и рекламы.

Основной аудиторией форума станут: TOP-менеджеры по маркетингу, рекламе, связям с общественностью и брендингу ведущих производителей товаров и услуг, а также прочих организаций, заинтересованных в эффективном продвижении собственной деятельности; руководители и ведущие специалисты крупнейших отечественных СМИ, маркетинговых, рекламных и медийных агентств.

В работе форума примут участие и международные эксперты. Профессионалы — практики мирового уровня в сфере маркетинговых стратегий, рекламы, брендинга и медиамониторинга представят

вместе с участниками мероприятия специально подготовленные презентации и мастер-классы.

В программе форума запланирован уникальный кинопоказ. Шедевры мировой рекламы — удивительные ролики со всех уголков земного шара из знаменитой коллекции Жана Мари Буриско — впервые в Ташкенте будут представлены специальными гостями форума — организаторами проекта "Ночь пожирателей рекламы".

На ключевых сессиях форума планируется обсудить многие темы, имеющие первостепенное значение при текущем развитии сферы маркетинга и рекламы, в том числе: социальные медиа как новые явления в маркетинге; возможности включения ключевых трендов брендинга в стратегию компаний; методы, технологию и оценку эффективности современных PR-коммуникаций; перспективы работы медийных агентств в реалиях сегодняшнего дня; новые бизнес-модели для издателей традиционных СМИ; финансовый маркетинг или актуальные направления развития и новые методы продвижения финансовых продуктов и услуг и др.

Одновременно в рамках форума пройдет еще одно специализированное событие — "Выставка рекламных продуктов и товарных брендов", на которой будут экспонироваться технологии маркетинга, производство и распространение рекламы, PR-технологии, медиаконсалтинг и мониторинг, издательское дело, графический дизайн, создание аудио- и видеорекламы. Особую категорию выставки займут экспозиции ведущих брендов рынка товаров и услуг. Выставка состоится 6 ноября в выставочном комплексе "Уэксцентр".

Получить более полную информацию о форуме, а также заполнить заявку на участие можно на официальном сайте мероприятия по адресу: <http://pr.saipro.uz>.

### НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

#### Устройство в форме ручки "рисует" химическими сенсорами

Группа исследователей из Массачусетского института технологий говорит о разработке нового устройства, напоминающей по форме ручку, но способного "рисовать" на бумаге тонкий слой сенсоров, детектирующих вредные газы в окружающей среде. Созданная "ручка" может "рисовать" сенсорами на базе углерода, причем сами сенсоры примерно в 50 000 раз тоньше человеческого волоса, поэтому они даже внешне похожи на чернилу на бумаге.



#### Европейский рынок интернет-рекламы достиг 20,9 млрд. долларов

Internet Advertising Bureau обновило некоторые данные из последнего отчета Mediascope, касающегося рынка рекламы в Европе. Согласно опубликованным выдержкам из отчета, на основании исследования, проведенного в 28 европейских странах, было сделано заключение о следующем:

Объем европейского рынка интернет-рекламы в 2011 году составил 20,9 млрд. евро, причем на рынок Великобритании пришлось 5 млрд. евро, на Германию еще 3,5 млрд. евро. В отчете говорится, что за период с 2010 по 2011 год рынок вырос на 14,5%. Также IAB отмечает, что всего сейчас в онлайн присутствуют 426,9 млн. европейцев, что составляет 65% от общего населения Европы — с 2010 года проникновение интернета увеличилось на 19%.

#### Запущена первая в мире сеть LTE Advanced

Компания Yota Networks совместно с корпорацией Huawei запустила первую в мире сеть, созданную по технологии LTE Advanced, которая способна обеспечить скорость передачи данных до 300 Мбит/с. Пока технология внедрена на фрагменте коммерческой сети в Москве.

LTE Advanced (LTE-A) — это следующее поколение технологий мобильной передачи данных, главными преимуществами которого являются возможность объединения различных диапазонов частот и большая спектральная эффективность, что позволяет увеличить скорость передачи данных и качество услуг для абонентов.

#### Мобильный телефон согреет ваш авто

Компания Eberspacher удивила всех необычностью своей новой разработки. С ее помощью можно управлять системой обогрева салона при помощи простого мобильного телефона.

Система EasyStart Call дает возможность управлять обогревом посредством SMS-кодов или используя специальное приложение для смартфона. Работа новинки проста: GSM-модуль с SIM-картой, установленный в салоне, принимает вызов или короткие текстовые сообщения и, независимо от расстояния, которое разделяет владельца и его автомобиль, управляет действиями отопителя. Имеется также функция предупреждения погодных условий. К примеру, если температура в салоне опустится ниже определенного значения, на экране телефона отобразится соответствующий индикатор.

Данная разработка недорогая, а приложение для смартфона и вовсе бесплатное.



#### Количество сайтов в интернете достигло 620,5 млн.

Аналитическая компания Netcraft опубликовала данные о количестве работающих в интернете узлов, согласно которым в октябре компания зафиксировала ответы от 620 480 777 сайтов, что на 350 000 сайтов больше, чем месяцем ранее. Несмотря на это, все основные программные веб-серверы, кроме Microsoft IIS, снизили свои доли. Обслуживаемая база Microsoft IIS выросла на 3,5 млн. сайтов или на 0,58%. Доля лидера рынка серверов — решения Apache — снизилась на 0,49% в сравнении с прежним месяцем.



# Хабарлар + TV

## ДУШАНБА — 15 ОКТАБР

5.55 Куратувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
7.00 "Худод сари"  
7.30 "Кўнги қўнқ истайди"  
7.30 "Уй қомушлари", Т/с.  
Хуррият телерадиомашабалари  
"O'zbekiston" телерадиомашабалари соат  
8.00дан 14.55гача профилансика.  
14.55 Куратувлар дастури.  
15.00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
Маруся ҲОСИЛОВА,  
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

# Хизмати ва одоби гўзал

"Ўзбектелеком" АК филиаллари қошида "Ягона ойна" тамойили асосида хизмат кўрсатувчи марказларнинг ташкил этилганлигига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, қулайлиги, у ерда хизмат қилувчи ходимларнинг хушмуомала ва чаққонлиги туфайли аҳоли эътирофига сазовор бўлмоқда.

Дурдона Юсупова ҳам ана шундай марказлардан бирида хизмат қилиб, ширин муомаласи, гўзал одоби билан мижозлар ҳурмат-эътиборини қозоняпти.

Дурдона пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида, тадбиркорлик билан шуғулланувчи Зафаржон ҳамда бочка тарбиячиси Лолахонлар оиласида таваллуд топди. Ота-она шириндан-шаркар уч нафар қизалоғини меҳр ардоғида вояга етказишди, уларнинг ҳар томонлама баркамол — одоби, меҳнатсевар бўлишлари учун ҳаракат қилишди. Дурдона ҳам ана шу меҳрин ҳар лаҳзада хис этган ҳолда Садриддин Айний номидаги 84-мактабни намуна-

ли хулқ, аъло баҳолар билан тамомлади. Сўнгра ота-онаси каби эл хизматиға камрабасталикни орзу қилиб, Тошкент банк коллежида ўқишини давом эттирди.

— Меҳнат фаолиятимни "Алокабанк"да кассирликдан бошладим, — дейди Дурдона. — Топширилган вазифани тўлиқ адо этишимда, одамлар билан муомалани ўрганишимда ҳамкасбларим яқиндан ёрдам беришди. Кейинчалик "ЎзМобайл" компаниясида ҳисобчи бўлиб ишладим. "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали қошида "Ягона



ойна" тамойили асосидаги хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилгач, тест сновларидан ўтиб, ушбу марказда ишлаяпман. Юртимизда ёшларнинг ўқиб, билим олишлари, хизмат пиллапояларидан юқори кўтарилишлари учун барча шароитлар яратилган. Ана шундай ёшларга эътиборли, инсон омилига катта аҳамият берилётган, гўзал ва фарахли юрт фар-

занди эканлигим билан фахрланаман. Ҳа, мана шу фахр туйғуси Дурдонани ҳар доим ўзига топширилган вазифа масъулиятини чуқур хис қилган ҳолда меҳнат қилишга, мижозларга астойдил хизмат қилишга чорлаб турибди.

— Жойларда "Ягона ойна" марказлари ташкил этилгани яхши бўлди, — дейди мижозлардан бири Карима опа Расулова. — Илгари хизмат ҳақларини тўлаш учун бир неча идорага боришимизга тўғри келарди. Ҳозир ҳамма тўловларни бир жойда, бир вақтингиз ўзида тўлаб кетяпмиз. Бу ерда ишловчи ходимлардан, айниқса, Дурдонахон кизимдан беҳад миннатдорман. Қачон келсам, очик чеҳра билан кутиб олиб, ишларимни бирпасда битириб беради. Умридан барака топсин!

Биз ҳам юрт равнақи йўлида фидойилик қилаётган Дурдона Юсуповага ва у билан бир сафда меҳнат қилаётган ёш алоқачиларга эзгу ишларида ютуқлар тилаймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА

## TATU HAYOTIDAN



### Ғолиблар аниқланди

Мамлакатимизда таълим тизимида янги педагогик технологияларнинг кенг жорий этилаётгани, ўқитувчилар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар устозларни тинмай иланишга, ижодий ишлашга ундамоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари ҳам яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда талабаларга янги ўқув қўлланма ва адабиётларни тақдим этишмоқда.

"Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2012" Республика танловида университетнинг қатор профессор-ўқитувчилари ҳам ғолиб бўлдилар. Жумладан, Н.Гўлтўраев, Н.Хўжаев, А.Нормуродовлар "Телекоммуникация тармоқлари" китоби билан биринчи ўринни, Т.Дадажонов, М.Мухитдиновлар "MATLAB асослари" қўлланмаси билан иккинчи ўринни эгалладилар.

Рағбатлантирувчи ўринларга эса Х.Арипов, А.Абдуллаев, Н.Алимова, Х.Бўстонов, Е.Объедков, Ш.Тошматовлар "Электроника", шунингдек, А.Абдуазисов, Н.Жўраев, У.Искандаровлар "Электр алоқа назарияси" қўлланмаси билан сазовор бўлдилар.

### Беруний номидаги Давлат стипендиантлари

Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 226-қарори ижроси юзасидан ТАТУнинг тўрт нафар талабаси Беруний номидаги давлат стипендиясига тавсия этилган эди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 24 сентябрдаги 382-буйруғи билан Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари — ахборот технологиялари факултети талабаси Жонибек Омонов, радио, радиоалоқа ва телевидение факултети талабаси Холисахон Давлетова, иқтисод ва бошқарув факултети талабаси Фаёзбек Рустамовлар Беруний номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлдилар.

## Фарзандим — асал-қандим

Дарҳақиқат, фарзанд Аллоҳ томонидан берилган энг буюк неъмат.

Шунинг учун ҳам уларни кўриб, кўзимиз қувнайди, дилимиз яйрайди. Болаларимизнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, бошқалардан кам бўлмаслиги учун боримизни беришга тайёр турамыз, хоҳиш-истакларини сўзсиз бажаришга ҳаракат қиламыз. Лекин ҳар бир ишда ҳам меъёр бўлиши кераклигини баъзан унутиб ҳам кўямиз.

Кўшимнинг келини тушганига бир йил тўлганидан кам вақт ўтди. Биринчи невараси ўғил бўлганидан боши осмонга етган кўшим тушмағур келинининг турғу-хонадан келишینی тўйга айлан-тириб юборди. Энди неварани олиб келишینی бир кўрсангиз эди. Худди келин-куёв кириб келаётгандай. Олдинда "лимузин" машинаси, кетидан қатор "ласетти"лар. Карнай-сурнай овози етти маҳаллага эшитилди ўзим. Маҳалла кексалари бу исрофгарчиликни кўриб ғаши келса-да, орзу хавасли дунё бўлса, бир хурсанд бўлибди-да, дея индашмаган эди. Лекин яқинда ўша невараси бир ёшга тўлганидаги аъса-ю дабдабани кўриб чидай олмадик.

Гап шундаки, неваранинг бир ёшга тўлиши олдингидан ҳам

катта тантананага айланди. Турли-туман совғалар билан келувчиларнинг кети узилмайди. Санъаткорлар хониши атрофни тутган. Гап нимада эканлигини билишга ҳали бир неча қовун шипиғи бор гўдак онасини эмиб, шшиллаб ухлаб ётибди. У ёқдан-бу ёққа югуравериб чарчаган келинининг оёқлари чалишиб кетай дейди. Эмизикли аёлнинг меҳмон кутини осон эмас-да, ахир.

Маҳалла фахрийлари йиғилишиб, тадбирнинг эртасига қўшни хонадонига ташриф буюрдик. Бизни кўрган Салимжон аввалига шошиб қолди. Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлигини, шунчаки ҳол-аҳвол сўраганини кирганимизни айтиб, уни тинчлантирдик. Бошидан қўйлаб яхши-ёмон кунларни ўтказган, уруш азобларини ўз кўзи билан кўрган Фозил ота биринчи бўлиб гап бошлади:

— Ўғлим, оилангизда ўрнатган тартиб-интизом, фарзандларингиз тарбияси билан барчага ўрнақсиз, — деди отахон гапни узокдан бошлаб. — Бутун маҳалла ахли сиздан мамнунмиз. Лекин, ортикча сарф-харажатингизни кўриб, дилимиз бир оз ранжиди. Тўғри, неварали бўлиш катта бахт. Фарзанд ҳамма нарсадан ширин. Лекин бир ёшли гўдак учун шунча оврагарчилик шартмикин?

— Маҳаллани ҳам ошга чакирдим-ку, — деди Салимжон асабийлашиб. — Қолаверса, ўз топганимни сарф қилдим, ахир!  
— Бу масалада шошилманг,

— деди отахон. — Авваламбор неварангизнинг бир ёшга тўлган кунини шунча катта тантана билан нишонлашингиз шарт эмасди. Атрофингизда таъминоти рўзғор тебратишдан ортмайдиган одамлар ҳам борлигини, улар фарзанд ёки неваралари турилган кунини сиз каби нишонлай олмаётганлигидан қўнгли ўқиб қолиши мумкинлигини унутмаганингиз маъқул. Қолаверса, ўзи шундоғам тўқ одамларни қақириб, қорнини тўйдиринингиз ҳеч қандай фойдаси йўқ. Сиз неварангизнинг баркамол вояга етишини тилаб дуо қилишینی сўраб, муҳтожларга, етим ва ногиронларга ёрдам қўлини чўзганингизда эди, қанчалар яхши иш бўларди.

Фозил отанинг гапларини қувватлаган ҳолда биз ҳам анча гапларни гаширдик. Пайғамбаримиз ҳадисларидан мисоллар келтирдик. Салимжон бизни оз бўлса-да тушунди шекилли, миннатдорона кузатиб қўйди.

Оила жамиятининг бир бўлаги. Шунинг учун ҳам ҳеч бир инсон маҳалласидан, жамиятдан айро яшай олмайдди. Биз истаймизми, йўқми ҳар бир харақатимизнинг бошқаларга таъсири, албатта, бўлади. Шундай экан, ён-атрофимизда юзлаб одамлар бизни кўриб, қилаётган ишларимизни билиб туришینی унутмайлик. Ўзимизнинг эзгу, гўзал амалларимиз билан бошқаларга ўрнақ бўлайлик.

Дилором РАХИМОВА,  
муаллима

Хизмат

ТАРБИЯ УЧ ҚИСМДАН ИБОРАТ: БАДАН  
ТАРБИЯСИ, АҚЛ ТАРБИЯСИ, АХЛОҚ ТАРБИЯСИ.

ФИТРАТ

У жуда ёшлигидан бу соҳага меҳр кўйди. Эзгу ният ва юксак орзу билан уйғун бўлган бу меҳр йиллар ўтса ҳам асло сусаймади, аксинча, қизиққан соҳасининг етук мутахассиси бўлиши учун астойдил изланишига мустаҳкам замин яратди.

Ана шу интилиш, касбига меҳр вақти келиб мевасини берди — дастлаб ўзи орзу қилгандек Тошкент давлат юридик институтида тахсил олди, кейин эса мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ёш малакали мутахассис сифатида фаолиятини бошлади. Йилдан-йилга касбий маҳорати, тажрибаси юксалиб борган қаҳрамонимиз айни пайтда фуқаролик ишлари бўйича Яқкасарой тумани туманлараро судяси бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

— Менинг ҳуқуқшунос бўлиб етишишимда, бинобарин, бу соҳага меҳр кўйишимда, ҳуқуқшунос бўлган, шу соҳада кўп йиллар давомида самарали фаолият кўрсатган Мавлуда амманнинг ҳам ҳиссалари катта бўлган, — дейди Абдувоҳид Қосимов. — Ота-онам, ақилларимнинг айтишича, кичкиналик пайтимда мендан “Келажакда ким бўласан?” деб сўрашса ҳеч иккиланмасдан “юрист бўлам” деб жавоб берар эканман. Менинг бу жавобимни эшитган Мавлуда аммам хурсанд бўлиб “Худо хоҳласа, албатта, юрист бўласан” деб баъзи пайтларда мени ишонасига ҳам олиб кетар экан. Мактаб ўқувчиси бўлганимдан сўнг ҳам у киши билан кўп бора ишонасига бориб, ўзим қизиққан соҳани қайсидир маънода, амалиёт асосида ўрганишга ҳаракат қилардим. Бу қизиқиш, бу меҳр

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Х боб, 44-моддаси.



## Меҳр меҳрға туташ

кейинчалик талаба, қолаверса, мутахассис бўлишимда катта ўрин тутди.

Халқимизда эзгу ниятли инсоннинг йўли доимо очик, деган нақл бор. Бу ҳикматли нақл суҳбатдошимиз ҳаётида ҳам муайян даражада ўз аксини топиб келмоқда. Бу ҳақда унинг ўзи шундай фикрларни билдиради:

— Меҳрибон онажонимнинг эзгу ният хамиша инсонга ҳамроҳ, деган сўзлари доимо ёдимда туради. Ана шунга амал

қилиб доимо эзгу ниятлар билан келажакка, эртанги кунга қарашга ўргандим. Ана шундай ниятларимдан бири яхши инсонлар билан ҳамроҳ бўлиб, уларнинг маслаҳатларига таянган ҳолда ҳаётда ўз ўринини топиш эди. Не бахтки, бу ниятим ушалиб, талабалик пайтимдаёқ ҳам устоз, ҳам маслақдош сифатида Асадулла Хикматов, Мирғани Мирзохидовлардан жуда кўп нарсани ўргандим.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида тадрижий асосда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, бу жараёнда қабул қилинган бир қатор қонунлар фуқаролар, юридик шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтириш билан бирга суд тизимини демократлаштиришга қўмақлашмоқда.

Суҳбатдошимиз суҳбат давомида қаратилган юксак эътибор хусусида ҳам тўлқинланиб сўзлади:

— Бугун юртимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда суд ҳокимиятининг ҳам аҳамияти бекиёс. Шу мақсадда суд ҳокимиятини босқичма-бос-

қич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Президентимизнинг шу йил 2 августда эълон қилинган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу ислохотларнинг мангикий давоми бўлди. Зотан, маъмур ҳужжат мазмун-моҳиятига қўра, тизим ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бир қаторда масъулиятини ҳам янада оширади. Умуман олганда, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўз моҳиятига қўра, мамлакатимиздаги кенг қамровли ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, дунё бўйлаб эътироф этилаётган “Ўзбек модели”нинг амалий ифодасидир. Бундан шу овоз ва обод юрtnинг фарзанди, қолаверса, ушбу соҳа вакили сифатида қувончим чексиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,  
журналист

**Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўз моҳиятига қўра, мамлакатимиздаги кенг қамровли ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, дунё бўйлаб эътироф этилаётган “Ўзбек модели”нинг амалий ифодасидир.**

## Ахборот технологиялари ёшлар хизматида

Фаргона вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурларини ўқув жараёнига татбиқ этишни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятдаги таълим муассасаларининг “ZiyoNET” электрон ахборот тармоғидан фойдаланишларини йўлга қўйиш мақсадида интернет хизматини кўрсатувчи масъулият чекланган жамият билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

— Жорий йилда ўқувчи ёшларнинг таълим муассасалардаги ахборот-ресурс марказларидан унумли ва самарали фойдаланишлари, ўқув ва илмий-тадқиқот материалларини ўрганишлари, мамлакатимизнинг бой тарихий-маданий меросидан яхши хабардор бўлишлари учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Барноҳон Исмоилова. — Тасарруфимиздаги 84та таълим муассасасининг ахборот-ресурс марказлари бюджет маблағлари ҳисобидан 396 дона сўнги русумдаги замонавий компьютер жамланмалари ҳамда техник жиҳозлар билан таъминланган. Таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказларимизнинг 79таси интернет ва “ZiyoNET” тармоғига уланган. 17та ахборот-ресурс марказлари веб-сайтлари яратилган. Таълим муассасаларининг тажрибали, моҳир ўқитувчилари томонидан 30та маъруза, 28та дарс ишланмаси, 15та мажмуалар жамланиб, “ZiyoNET” тармоғига жойлаштирилди.

Ўқувчи ёшларга интернет тармоғидан унумли фойдаланишни ўргатиш мақсадида тасарруфдаги 97та таълим муассасаларида дарс машғулотларидан сўнг “Интернет — чексиз имконият” тўғарақлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ёшларда тафаккурни ривожлантириш, уларнинг билим доирасини ошириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди ва таълим муассасаларига тақдим этилди. Таълим муассасаларида ўқувчи ёшларни интернет тармоғидан фойдаланишга ўргатиш учун бепул ўқув курслари ташкил этилган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

## Қизғин паллада

Самарқанд вилояти “Матбуот уюшмаси” масъулият чекланган жамиятида 2013 йил учун даврий ва кундалик нашрларга обуна қизғин паллага кирди. Самарқанд вилояти ва шаҳридаги ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, ўрта, ўрта-махсус ва олий ўқув юрtnлари ҳамда давлат органлари жамоалари ёшасига республика ва вилоятда чоп этилаётган матбуот нашрларига обуна бўлишни бошлаб юборганлар.

— Обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида жамият ходимлари уларнинг илтимосларига биноан иш жойларига бориб ҳам обуна уюштиришпти, — дейди вилоят “Матбуот уюшмаси” МЧЖ директори Зарема Цимерман. — Обуна учун тўловлар эса обуначилар хоҳлаган тўловда, яъни нақд пул, пластик карточка ёки пул ўтказиш йўли билан олинмоқда.

Жамият томонидан олиб борилаётган ишлардан корхона ва ташкилотларнинг обуна билан шугўлланувчи ташкилотчилари ҳам мамнун бўлишмоқда.

— “Матбуот уюшмаси” ходимларидан жуда миннатдоримиз, — дейди Самарқанд тиббиёт институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, обуна бўйича ташкилотчи Сулаймон Ҳалимов. — Биз кўп йиллардан буён ушбу жамият билан ҳамкорликда иш олиб бораёмиз ва бу ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттираёмиз. Чунки, жамият ходимларининг хизмати ҳам, муомаласи ҳам аъло даражада. Улар даврий ва кундалик матбуот нашрларига обуна уюштиришда ҳам ўз маслаҳат ва ёрдамларини аямайдилар, матбуот нашрларини эса ҳар доим ўз вақтида белгиланган манзилга етказиб берадилар.

## Яқдиллик билан

Яқинлашиб келаётган 2013 йил учун республикамизнинг барча шаҳар, туманлари қатори Марғилон шаҳрида ҳам даврий матбуот нашрларига обуна ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхона, ташкилот, муассасалар меҳнат жамоалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, коллеж ва лицейлар ҳамда умумтаълим мактабларида обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш ва бу борада самарадорликка эришиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда.

Шаҳар ҳокимининг 2013 йил 15 сентябрдаги “Шаҳарда 2013 йил учун даврий матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилиниб, ижроси ҳокимлик томонидан ҳар ҳафтанинг жума кунлари тахлил қилиб борилмақда.

Ўқтамжон Холматов раҳбарлигидаги Марғилон шаҳар почта алоқаси тармоғида ҳам бу муҳим вазифага алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда бу ерда 14та бўлим хабарчилари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, шаҳардаги 54та маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида обуна борасида тушунтириш ишларини олиб боришга келишиб олинди.

Шаҳардаги турли ташкилот, корхона, муассасаларда газета ва журналларга обуна яқдиллик билан давом этмоқда.

Ўз муҳбиримиз

OBUNA-2013

## Аукцион савдолари хабарномаси!

**"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб борадиган тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади**

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Махкамасининг 2012 йил 12 августдаги 233-қарорига ҳамда Давлат мулкнинг бошқариш давлат кўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 9 октябрдаги 8 / а-буйруғига асосан "Бухоро озиқ-овқат" ишлаб чиқариш кооперативининг Низом жамғармасидаги 25 фойз давлат улуши бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб борадиган тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига чиқарилмоқда.

"Бухоро озиқ-овқат" ишлаб чиқариш кооперативининг Низом жамғармасидаги 25 фойз давлат улуши бошланғич баҳоси 681 505 714 (олти юз саксон бир миллион беш юз беш минг етти юз ўн тўрт) сўм. (129 941 386 сўм "Бухоро озиқ-овқат" ишлаб чиқариш кооперативи ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда).

Савдолар 2012 йил 15 ноябр кунин соат 11.00да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (Давлат мулк кўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси 3-қавати)да ўтказилади.

Закалат пули миқдори давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фойзидан, яъни 102 225 858 (бир юз икки миллион икки юз йитирма беш минг саккиз юз эллик саккиз) сўмдан кам бўлмаган миқдорда белгиланган.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдосига қўлиб топилган шахс 20 (йитирма) кунлик муддат ичида сотувчи, яъни Давлат мулк кўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириши лозим.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги бюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга, яъни 2012 йил 14 ноябр кунин соат 16.00га қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузилган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нухаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нухаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реқвизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ СТИР: 301480431, МФО: 00120, ДАТ "Асакабанк" Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб рақами 20208000504828225001.

Бюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулк билан таъиниш ҳамда ўзинингизни қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қават).  
Тел: (8 365) 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru

Хабарлар: info@xabar.uz

**ЭЪЛОН!**

"Telejo'jalor" МЧЖ, "Андижон Телеком Наслчилик" МЧЖ, "Наманган Телеком Чорва Парранда" МЧЖ, "Телеком Наслчилик" МЧЖ, "Бухоро Телеком Чорво" МЧЖ, "Хоразм Телеком Наслчилик" МЧЖ, "Самарқанд Интер Идеал Сервис" МЧЖ кредиторлари, дебиторлари ва ижозларни диққатига!

"Telejo'jalor" МЧЖ, "Андижон Телеком Наслчилик" МЧЖ, "Наманган Телеком Чорва Парранда" МЧЖ, "Телеком Наслчилик" МЧЖ, "Бухоро Телеком Чорво" МЧЖ, "Хоразм Телеком Наслчилик" МЧЖ, "Самарқанд Интер Идеал Сервис" МЧЖларнинг Таъсисчилари бошқариш органлари томонидан жамиятларни қўшиб юбориш орқали қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Қўшиб юбориш натижасида "Telekom Chorva-Parrranda" МЧЖ ташкил этилиб, жамиятларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади.

Жамиятларни қайта ташкил этиш борасидаги таклиф ва мулоҳазаларингиз юзасидан (+99871) 239-23-55 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

*Шабриқ Сайидов!*

"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали жамоаси Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламаси телеграф бўлими бошлиғи Умархон РАХИМОВНИ 60 ёши билан самимий муборакбод этиб, унга узоқ умр, сийхат-саломатлик, оилавий бахт ва меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 36-модда.

# Васиятномани расмийлаштириш тартиби

**Мамлакатимизда фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини мерос ҳуқуқи билан бевосита боғлаган ҳолда жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинган.**

Фуқаролик кодексининг 1112-1157-моддаларида қонун ва васиятнома бўйича ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги умумий қондалар, ворислик навбатлари, меросни қабул қилиш, меросдан воз кечиш тартиби ва бошқа меросга оид масалалар кенг ёритиб берилган.

Мулк эгаси мулкдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқдан у ўзининг ҳаётлигида фойдаланади ва ўзи вафот этгандан кейинги мулкнинг тақдирини олдиндан белгилаши мумкин.

Инсон умри абадий эмас, вақти-соати етиб, у ёруғ дунё билан видолашади. Ҳаётнинг азали қонуни шундай. Одатда, умри поёнига етган инсон ўзига тегишли мол-мулкни кимгадир васият қилиб қолдиради.

Фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф этилади (ФКнинг 1120-м.). Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрларнинг биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изох бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилгандан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс хозир бўлганда васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Қуйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

- нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбуриятлари юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;
- тўлиқ муомала лаёқатида эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;



Эълон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Қонунда назарда тутилган васиятнома шаклига доир асосий талаблар васиятноманинг нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши ёки нотариал тасдиқланган васиятномага тенглаштирилган бўлишидир.

Нотариус ёки бошқа мансабдор шахс васият қолдирувчига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси мазмунини тушунтиради, яъни меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар ҳақида тушунтириш беради. Ушбу моддада кўрсатилганидек, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларидан улардан хар бирига тегиши лозим бўлган улушининг қамиди ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб олади.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалардан битта нухаси васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига саклаш учун юборилиши шарт. Давлат нотариуси саклаш учун келиб тушган васиятномани текшириб, унинг шакл ва тартиб жиҳатидан қонунга мувофиқ равишда тузилганлигини аниқлайди, номувофиқлигини аниқлаганда бу ҳақда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши керак.

Васиятнома бекор қилинганда ёки ўзгартирилганда, бу ҳаракат васиятноманинг хар иккала нухасида ҳам ўз аксини топиши керак. Васиятномани бекор қилиши сўраб берилган аризадаги имзо, албатта, белгиланган тартиб бўйича нотариал тасдиқланган бўлиши шарт.

Амалдаги қонун талабларига мувофиқ келмайдиган, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ нормаларига атайин қарши мақсадларда тузилган васиятномалар ҳақиқий ҳисобланмайди. Шунингдек, муомала лаёқатида бўла ҳажмда эга бўлмаган шахслар томонидан, ўз хатти-ҳаракати аҳамиятини тушуна олмайдиган, муомала лаёқати чекланган, ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган шахслар томонидан тузилган васиятномалар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Феруза ҲОЗИЕВА,  
Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги  
1-Давлат нотариал идораси нотариуси



## Ўсмирлар терма жамоаси — Осиё чемпиони!

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида голиб бўлди. Юртимизга ёруғ юз билан қайтган спортчиларимизни Тошкент халқаро аэропортида тегишли вазирилик ва идоралар вакиллари, футбол жамоатчилиги, журналистлар, ота-оналар ва мухлислар тантанали кутиб олди.

2013 йили Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўлланма берувчи турнир — Осиё чемпи-

онатида қитъамизнинг 37 терма жамоаси ФИФА ажратган тўрт йўлланма ҳамда чемпионлик учун баҳс олиб борди. Саралаш мусобақасидан муваффақиятли ўтган 16 терма жамоа Эрондаги қитъа чемпионатининг финал қисмида тўп сурди. "Д" гуруҳида Хиндистон, Хитой ва Сурия ўсмирлар терма жамоалари билан рақобатлашган ёш футболчиларимиз тўрт очко билан чорак финалга чиқди.

Чорак финалда ҳамюртларимиз чемпионликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган Жанубий Корея

футболчиларини пеналтилар сериясида енгиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Ярим финалда футболчиларимиз мусобақа мезбони — Эрон ўсмирлар терма жамоасини 3:2 ҳисобида мағлуб этди.

Финалда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Япония вакилларига қарши майдонга чиқди. Учрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисобида яқунлангач, голиб пеналтилар сериясида аниқланди. Унда 3:1 ҳисобида зафар қучган ўзбек футболчилари илк мартаба Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

## Каратэчиларимиз жаҳон кубогини қўлга киритди

Пойтахтимизда шотокан каратэ-до бўйича ўтказилган II жаҳон кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси бош совринни қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яққақурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, Республика шотокан каратэ-до ассоциацияси ва Жаҳон шотокан каратэ-до федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада дунёнинг ингирмага яқин мамлакатидан 800 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Шотокан каратэ-до бўйича жаҳон чемпионатлари ва жаҳон кубоги мусобақаларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келаётган терма жамоамиз ўз етакчилигини яна бир карра исботлади. "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказилган II жаҳон кубоги мусобақасида болалар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-



қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ката ва кумитэ бўйича мамлакатимиз спортчилари энг кўп — 33 олтин, 36 кумуш ва 44 бронза медал жамғарди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгал-

лаган Ўзбекистон терма жамоаси бош соврин — жаҳон кубоги билан тақдирланди. Иккинчи ўрин қозонгонлик каратэчиларга насиб этган бўлса, Эрон терма жамоаси учинчи поғонадан жой олди.

## Дзюдочиларимизда бронза

Беларус пойтахти Минск шаҳрида дзюдо бўйича эркалар ўртасида ўтказилган жаҳон кубогида ўндан зиёд мамлакатдан саксон нафарга яқин спортчи етти вази тоифасида куч синашди.

Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари бу мусобақада ёш дзюдочилар Суннатилла Азимов, Элдор Бектемиров, Бехзод Қулматов, Эрбўл Рустамов ва Давронбек Сатторовнинг имкониятларини синовдан ўтказди.

81 килограмм вази тоифасида гиламга чиққан Суннатилла Азимов ҳамда 91 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида Давронбек Сатторовлар бронза медални қўлга киритди.



## "Самарқанд юлдузлари" турнири бўлиб ўтади



Шу йилнинг 18-22 октябр кунлари Самарқандда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича "Самарқанд юлдузлари" халқаро турнири ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "ROWING&CANOE" федерацияси ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур мусобақада юртимиз спортчилари билан бирга Франция, Жанубий Корея, Хиндистон, Венесуэла, Козогистон каби ўндан зиёд мамлакатлар вакиллари қатнашади. Айни кунларда мазкур турнирда қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Мазкур нуфузли турнирнинг Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки бу ерда махсус бунёд этилган, табиий имкониятлари юқори бўлган эшак эшиш канали мавжуд.

## Осиё кубоги-2015га қуръа ташланди

Австралиянинг Мелбурн шаҳрида 2015 йил бўлиб ўтадиган Осиё кубоги саралаш баҳсларига қуръа ташлаш маросими ўз ниҳоясига етди.

Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси "Е" гуруҳидан ўрин олди. Бу гуруҳда вакиллари-миз БАА, Вьетнам ва Гонконг терма жамоаларига қарши баҳс олиб боришади.

Саралаш ўйинлари яқунларига кўра, 5та гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни олган жамоалар Осиё Кубогига йўлланма олишади.

Шунингдек, энг яхши натижа кўрсатган битта 3-ўрин соҳиби ҳам Осиё Кубогида қатнашиш имкониятига эга бўлади. Уларга Австралия (мезбон сифатида), Япония (амалдаги чемпион), Жанубий Корея (3-ўрин соҳиби) ҳамда КХДР (ОФК чакирув Кубоги-2012 голиби) терма жамоалари қўшилишади. Шунингдек, 2014 йили бўлиб ўтадиган ОФК чакирув Кубоги голиби (ёки финалчиси)га ҳам йўлланма берилади.

Шу тариқа, 16 жамоа 2015 йили Австралияда Осиё Кубоги баҳслари финал босқичида иштирок этади.

## Ўзбекистон ярим финалда

Россиянинг Калининград шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилаётган футбол бўйича X жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Чемпионатда дунёнинг ўн икки мамлакати терма жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда совринли ўринлар учун курашмоқда. Амалдаги жаҳон чемпиони — Ўзбекистон терма жамоаси бу галги мусобақада "В" гуруҳидан чиқиш учун Туркия, Украина, Япония, Англия, Либерия вакиллари билан рақобатлашмоқда.

Терма жамоамиз дастлабки тур учрашувида Туркия футболчиларини 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи турда Японияни 7:0, учинчи турда Либерияни 8:2 ҳисобида енгди. Тўртинчи турда Англия устидан қозонилган 4:2 ҳисобидаги галабадан кейин Ўзбекистон терма жамоаси ярим финал масаласини ҳал қилиб бўлди. Хаттоки уларнинг гуруҳда 1-ўринни олиши ҳам аниқ бўлиб улгурди.

13 октябр куни ярим финал учрашувлари ўтказилса, 14 октябр куни медаллар учун баҳслар бўлиб ўтади.

### Ўтавларнинг охири ошди бўлсин

ТАТУ қошидаги 2-сонли академик лицей жамоаси лицей директори Шавкат Ҳороқова онаси **Анора ҲАМРОЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

"Xabar" газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Фарғона вилояти бўйича муҳбири Хайриза Саляхова укаси **Комилжон САЛЯХОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



*Асрларга тенгдош почта хизмати бузи ҳам инсонлар ўртасида алоқа ўрнатувчи энг самарали ва эҳтиёжли соҳа бўлиб қолмоқда. Замонавий почта ривожланишида давом этишти ва ўз фаолиятида энг сўғини ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлламоқда. Демак, хизмат тезлиги, сифати ва нишонлиги янада ортишти.*

*Почта соҳаси ходимлари 9 октябр — Бутунжаҳон почта кунини кенг нишонлашади.*

*Ўшбу сана муносабати билан почта соҳасида фаолият олиб бораётган барча юрtdошларимизни табриқлаймиз. Ўларга бахт-саодат, сикат-саламатлик, шарафли ишларида янгидан-яни Зафарлар тиланмиз!*

## "EMS FALCON" МЧЖ жамоаси

Реклама ўрнида

Кейинги йилларда "EMS-FALCON" масъулияти чекланган жамияти томонидан республикамызда EMS хизматини янада ривожлантириш, кадрлар малакасини ва тажрибасини ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, компания Бутунжаҳон почта иттифоқи томонидан яқинда ўтказилган транспорт дастурини ўрганиш борасидаги сессияда фаол иштирок этди.

Ушбу онлайн ўқув дастури почта ташкилотларида ишлайдиган ходимларнинг билимини ошириш мақсадида ўтказилди. Жорий йилги ўқув дастурида EMS хизматини кўрсатувчи компаниялар учун "Express Mail Service EMS" курси тақдим қилинди ва ушбу курс

еттига модулдан ташкил топди. Курс мақсадлари қуйидагилардан иборат:

— EMS почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва манзилга етказиб бериш бўйича почта идорасида ишлайдиган масъул ходимларнинг зарур бўлган билимга, янгиликларга эга бўлишларини таъминлаш ва тайёрлаш;

— EMS почта жўнатмаларини айирбошлаш билан шуғулланувчи тегишли идора ходимларининг билимларини янада мустаҳкамлаш;

— EMS ҳисобини тартибга келтириш ва EMS хизматлари сифатини яхшилаш борасида етарли билимга эга бўлган жавобгар, расмий шахслар билан таъминлаш.

Айтиш жоизки, таъкидлаб ўтилган курснинг бир қатор Evaluation оралик ва

## Тезкор почтамыз тезлашмоқда



вазифасида ишлаётган К.Роммел ўтказилган ушбу тест синовларини муваффақиятли топширди ва тегишли сертификатни олишти, шу билан бирга, EMS хизматлари координатори унвонига сазовор бўлди.

Мазкур сертификат Ўзбекистонда EMS хизматини ташкил қилгандан буён биринчи марта қўлга киритилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Сертификатга сазовор бўлган шахс Бутунжаҳон почта иттифоқи EMS хизмати расмий операторларининг ишини мувофиқлаштириш бўйича консултант сифатида жалб қилиниши мумкин.

Эришилаётган натижалар ва амалга оширилаётган тадбирлар келгусида мамлакатимиз тезкор почта соҳасини янада ривожлантиришда ўз самарасини беришига аминмиз.

яқунловчи тестларини муваффақиятли топширган номзодларгина тегишли сертификатга эга бўлишлари мумкин. Қуварнарсиз, компаниянинг халқаро ҳисобкитоб ва рекламация бўйича менежер

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусанд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувои НАЖИДДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфило ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz  
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Лутфило ТУРСУНОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарди

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-1052 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 13851 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 931-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-------------------